

ЧИРОФИНГИЗ ЎЧМАСИН

1-Бетда

муаммолар бўлмоқда. «Ўзтрансгаз»нинг вилоят бўлинмаси бир йилча олдин «Коммунал-маиший объектларнинг газ ҳисоблагичларини газни ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборлари билан алмаштириш чоратадбирлари тўғрисида» буйруқ чиқарган. Вилоят ҳокимининг ўринbosари билан келишиб олинган мазкур ҳужжатга биноан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ёки бинони иситиш учун майший газдан фойдаланувчи ҳар бир корхона маълум муддатга қадар ўзидағи газ ҳисоблагич асбобларини ҳарорат ва газ босимини ўрнига қараб ўзгартириш имконини бералиган замонавий



мажбурламаслик лозим, тармоқда газ бўлишини таъминлаш зарур демокдалар. Инчунин бу куни-кеча қалқиб чиқиб қолган муаммолар сирасига кирмайди..

**Саноат, курилиш ва савдо ма-
салалари қўмитаси аъзоси,
«Миллий тикланиш» демократик
партияси фракцияси аъзоси
Жамила НИЁЗОВА:**

– «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг амал қилиш соҳаси бафоят кенг, шу боис биз энг аввало бевосита Қўмитамиз депутатларига қелиб тушаётган шикоятлар, мурожаатларда кўтарилиган масалаларга таянган ҳолда иш тутишга қарор қилдик. Масалалар одатдагидек асосан коммунал соҳага тааллуқлидир. Истеъмолчиларни электр энергияси ва газ билан таъминлаш ҳамон кескин муаммолар қаторида турибди.

Гапни «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига нормафикация нормаларни мужассам этувчи қонуности ҳужжатлар ҳамон гоҳ у, гоҳ бу ерда пайдо бўлиб қолаётганлигидан бошламоқчиман. Ҳўжалик бошқаруви идоралари ва органлари мазкур Қонунга зид қарорлар қабул қилиши ҳоллари ҳам кам эмас.

Чунончи, Хоразм вилоятида истеъмолчи юридик ва жисмоний шахслар билан электр таъминоти хизматлари кўрсатиш юзасидан 275 мингдан ортиқ шартнома тузиленган. Намунавий шартноманинг дастлабки матни тартибга кўра Адлия вазирлиги экспертизасидан ўтган. Бироқ бу ҳужжатни ўрганиб чиқиб, унда истеъмолчиларнинг мажбуриятлари жуда аник ва му-


мажиурлары жуда аның да жу фассал ифодаланғанligини, аммо ҳуқуқлари мубҳамроқ баён этилган-

лигини аниқладик. Электр энергияси бўйича хизматлар кўрсатувчиларнинг, бундай энергия етказиб берувчиларнинг мажбуриятлари ва масъулиятлари эса яхши кўрсатиб ўтилмаган. Тарафлар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари борасидаги бундай номутаносиблик бизни мустақил экспертларга мурожаат қилиб кўришга ундаи, улар мазкур на- мунивий шартнома истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга оид қонун ҳужжатлари нормаларига зид деган хулоса бердилар.

Яна бир гап. Электр энергияси-дан фойдаланиш қоидалари күплаб саволлар туғдирмоқда. Электр энергияси беришни чеклаш ёки уни узиб (ўчириб) қўйиш шартларини тартибга солувчи ана шу ҳужжатнинг X бобидаги айрим қоидалар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўювчи муайян нормалари бўлганлиги сабабли Фуқаролик кодексига, «Электр энергетикаси тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунларимизга зиддир.

Биз, хусусан, Урганч шаҳри бўйича электр энергиясини узиб (ўчириб) қўйиш жадваллари ноқонуний тасдиқланганлигини аниқладик. Қизифи шуки, бу иш номи юқорида зикр этилган Қоидалар талабларига хилоф равишда амалга оширилган. Қоидалар мукаммал эмаслиги, жадваллар қонунга хилоф эканлиги устига устак электр энергиясини узиб (ўчириб) қўйишда шу файриқонуний ҳужжатларга ҳам риоя этилмаган, бинобарин, жадвалда белгиланганидан ҳам кўпроқ марта электр энергияси бериш тўхтатиб қўйилган. Шу сабабли истеъмолчиларнинг таъна-маломатлари, шикоятлари кўпроқ мазкур масала билан боғлиқдир. Зотан, электр энергиясини кутилмагандага ўчириб ёқавериш электр асбобларини ишдан чиқаради, ишлаб чиқариш маромини бузади, агрегатлар режадан ташқари тўхтаб қолиши билан боғлиқ равишда брак маҳсулотлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Энергия билан таъминловчи корхоналар ускуналар эскириб кетганигидан нолимоқдалар. Улар кўп йиллардан буён шу сабабни рўкач қилиб келишади, аммо вазият ўзгарамаяпти. Уларнинг сўзларига қараганда, ҳозирги вақтда ишлатиб келинаНГ трансформаторлар истеъмолнинг «ўйнаб», сакраб туришига дош бера олмаяпти. Кун совуди дегунча



күпгина истеъмолчилар қўшимча электр асбобларини ишга соладилар, натижада трансформаторлар чидаш бермай, авариялар келиб чиқмоқда. Агар трансформаторларга вақти-вақти билан дам берилмайдиган бўлса, улар бутунлай куйиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас...

«Ўзбекэнерго»дагилар трансформаторларни модернизациялаш юзасидан тегишли дастурлар борлигини айтиб, барча муаммоли масалалар вақти келиб босқичмабосқич ҳал бўлишини таъкидладилар. Ҳозирча эса ўзгариш бўладидеб ваъда бера олмас эканлар.

Газ таъминотида ҳам муаммо шу. Истеъмолчиларгина эмас, шаҳар иссиқлиқ тармоғи ҳам газ ва электр таъминотидаги узилишлардан шикоят қилмокда.

Биз ана шу ташкилотларда фу-

Баъзи мамлакатларда шундай принцип жорий этилганини биламан, бу нарса ҳаммага қулай. Туркияда, масалан, одамлар газ ва электр энергиясини олдиндан харид қиладилар – уларга маҳсус пластик карточкалар берилади. Бу иш карточкада пул бўлгач, хизматдан эмин-эркин фойдаланиш имконини беради. Пул тугаши билан газ етказиб бериш ўз-ўзидан тўхтатилиди. Хуллас, бу борада қарз, қарздорлик деган нарса бўлмайди...

Умуман олганда ана шу муаммолар илгари ҳам бир неча бор кўтарилигандан, шу жумладан парламентда мухокама этилган. Қўмитамиз ўзи ўтказган мониторинг натижалари асосида қарор қабул қилиб, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигига барча норматив ҳужжатларни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан яна бир карра кўриб чиқиши, уларни тафтиш қилишни тавсия этди. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ҳам таҳлил этиб, унга Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациисининг мақоми ва ваколатларини аниқлаштириш билан боғлиқ тузатишлар киритиш хақида ўйлаб кўриш лозим.

Бу жамоат ташкилоти бугунги кунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган кенг тармоқли инфратузилмага эга бўлиб, бу жиҳатдан у ўз қулочини баъзи ваколатли давлат органларидан ҳам кенгроқ ёйган дейиш мумкин. Масалан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят бошқармалари бор, аммо туман даражасида бўлинмалари йўқ. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш жамиятлари эса ҳозирги кунда деярли ҳар бир аҳоли пунктида ташкил топган. Буни жуда яхши кўрсаткич деб биламан, чунки уларнинг ёрдамида мазкур соҳани жамоатчилик асосида назорат қилишга доир давлат буюртмасини амалга ошириш мумкин. Лекин, бу ташкилотнинг жойларда, биринчидан, фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ, иккинчидан, ахборотлардан баҳраманд бўлиш, мониторинг олиб бориш билан боғлиқ муаммолари бор. Бу жамоат ташкилоти тадбиркорлик тузилмаларининг эшигини ҳамиша ҳам барадла очиб кира олади, у ёки бу масалаларни Эмин-Эркин ўргана олади, дейиш қийин. Ваколатлар етарли эмаслиги панд бермоқдами, демак бу камчиликни бартараф этиш лозим. Мамлакатимиз Президенти инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш вазифасини бизнинг олдимизга вазифа этиб қўйди, истеъмол маданияти эса унинг асосий таркибий кисми санавали.

налади.

Юлия ЯШИНА,
«Норма маслаҳатчи»
махсус мухбири.
Муаллиф фотолари.

Мамлакат	Сана	АҚШ доллары		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	30.12.2010	1	0,7979	1	1,056	1	0,0263
Арманистон	30.12.2010	1	363,44	1	481,16	1	11,91
Беларусь	1.01.2011	1	3000,00	1	3999,30	1	98,44
Грузия	31.12.2010	1	1,7728	1	2,35	1	5,8169
Қозогистон	1.01.2011	1	147,50	1	196,88	1	4,83
Қирғизистон	1.01.2011	1	47,1244	1	62,8922	1	1,5462
Латвия	3.01.2011	1	0,531	1	0,702804	1	0,0175
Литва	3.01.2011	1	2,5836	1	3,4528	10	8,4537
Молдова	31.12.2010	1	12,1539	1	16,1045	1	0,3978
Тожикистон	1.01.2011	1	4,4029	1	5,948	10	1,4645
Ўзбекистон	11.01.2011	1	1643,86	1	2172,21	1	54,16
Украина	31.12.2010	100	796,17	100	1057,3138	10	2,6124
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

- Микрокредитларнинг макросамарааси
 - Чироғингиз ўчмасин

**- Валюталар курси 1-2-бетлар
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОNUН-**

ЧИЛДИДАЙ ЯНГИЛИКЛАР

— Ўзбекистон Республикаси Президенти

1-2-бетон

НИНГ «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори (Кўчирма) **З-6-бетлар**

3-6-бетлар

7-8-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН КОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛІКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

— «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари про-
гнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Кўчирма)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 2011 ЙИЛГИ АСОСИЙ
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

[Кўчирма]

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 52-сон, 513-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги 210-II-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2010 йил 3 декабрдаги 117-II-сон қарорига мувофиқ:

3. 2011 йил учун:

кўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорида;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага* мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 10-иловага* мувофиқ;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 11-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижорат топилмаси бонуси 15-1 ва 15-2-иловаларга* мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдалан солиқ ставкалари 16-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 17 ва 18-иловаларга* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 22 ва 23-иловаларга* мувофиқ;

24-иловага* мувофиқ белгиланган солиқга тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 1,6 фоиз миқдорда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорида;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 25-иловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий сугурта бадаллари ставкаси 4,5 фоиз миқдорида тасдиқлансан.

4. Белгилаб қўйилсинки, ягона солиқ тўлови тушумлари Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланади.

5. 2011 йил 1 июлдан бошлиб ягона солиқ тўловини

*Мазкур иловалар «Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 28 декабрдаги 51-52 (284-285)-сонларидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилган.

тўловчилар учун шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ ягона солиқ тўловини белгиланган ставкалар бўйича, бироқ энг оз миқдордан – солиқ тўловчилар эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашганига ва бажараётган фаолият турига қараб ягона солиқ тўловининг энг оз миқдорига нисбатан пасайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ягона солиқ тўловининг энг оз миқдори жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда тегишли пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш механизми назарда тутилсин.

6. 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ товарлар олди ва сотдиси бўйича таъминот-сотиш ташкилотларининг фаолияти улгуржи савдо сифатида қаралади ҳамда улгуржи савдо корхоналари учун назарда тутилган фаолияти амалга ошириш ва солиқ солиш ҳуқуқий нормалари жорий этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари таъминот-сотиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензиялар 2011 йил 1 апрелгача қонун хужжатларида белгиланган тартибда берилишини таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, 2011 йил 1 январгача рўйхатдан ўтказилган таъминот-сотиш ташкилотлари товарлар олди ва сотдиси бўйича фаолиятни 2011 йил 1 апрелгача улгуржи савдо ҳуқуқига бериладиган лицензиясиз амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

7. Эскирган асбоб-ускуналар ўз вақтида алмаштирилишини рағбатлантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар учун (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) фойдали иш муддати тамом бўлган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланганлик учун дастлабки қийматнинг 0,25 фоизи миқдорида тўлов жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда, бир ой муддатда, Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

8. 2011 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган чакана савдо, умумий овқатланиш ва курилиш соҳаси корхоналари учун ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам нормативлари жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

Ўрнатилган нормативларга иш берувчилар томонидан риоя қилинмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органларига белгиланган ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг

кам нормативларидан келиб чиқиб ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг сугурта бадаллари ва жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни қўшимча равишида ҳисоблаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам нормативлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Юридик шахс бўлмасдан амалга ошириладиган якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида куйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиги бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

19. 2011 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган умумтаълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари 30-илювага мувофиқ белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Умумтаълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун тўлов тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, бунда кам таъминланган оиласардан бўлган болалар учун тўлов тўлашдан озод қилиш назарда тутилсин (тегишлича умумтаълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларидағи тарбияланувчилар умумий сонининг 15 фоизи доирасида).

20. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими ҳудудий бошқарув органлари, туман (шаҳар) халқ таълими, маданият ва спорт бўлимлари ҳамда уларнинг методик ва бошқа тузилмалари негизида, қайта ташкил этила-

ётган тузилмаларнинг амалдаги ходимлари сонини ўртача 5 фоизга қисқартирган ҳолда ўрта маҳсус ва қасб-хунар таълими, ҳалқ таълими, маданият ва спорт муассасаларини методик таъминлаш ва улар фаолиятини ташкил этиш бўлимларини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсингар.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет муассасаларининг 2011 йилги штат жадвалларини рўйхатга олишда бюджет муассасаларида коммуникация тизимлари, ишларни автоматлаштириш ривожланишини ҳамда бошқарув ва ёрдамчи ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ошишини ҳисобга олган ҳолда маъмурӣ-хўжалик ва ўкув-ёрдамчи ходимларни ўртача 5 фоизга мақбулаштиришни назарда тутсин.

Вазирликлар ва идоралар идоравий мансуб бюджет ташкилотларининг штат нормативларини танқидий кўриб чиқсингар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келиштан ҳолда янгилangan намунавий штат нормативларини белгилangan тартибда тасдиқласингар, уларнинг жорий этилишини 2012 йилнинг 1 январигача тугалласингар.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори 24-бандининг амал қилиши 2012 йилнинг 1 январигача

узайтирилсин.

26. 2011 йилни с 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2011 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айrim қарорларига 32-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсингар.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда илгари қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирунингар.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансингар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь
ПҚ-1449-сон.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига
12-2-ИЛОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ
КЕЛИНАДИГАН АКЦИЗЛИ ТОВАРЛАРГА АКЦИЗ СОЛИФИ
СТАВКАЛАРИ***

Товар гурӯҳининг рагами	Товарларнинг номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки ўлчов бирлиги учун АҚШ долларида
02	Қорамол гўшти Уй паррандасининг гўшти ва озуқабоп маҳсулотлари	0202 0207	20 70
04	Куюлтирилган ёки шакар қўшилган ёки шакар қўшилмаган сут ва сливкалар...	0402 91, 0402 99	20
	Пахта, ёғи олинган сут ва сливкалар, йогурт, кефир	0403	50
	Пишлоқ ва творог	0406	50
	Паррандалар (наслдорларидан ташқари) тухуми	0407 00	20
	Табиий асал	0409 00 000 0	10
08	Янги узилган олма, нок ва беҳи	0808	100
09	Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз кофе; кофе пўчоги ва кофе уруғи қобиқлари; таркибида турли нисбатда кофе бўлган кофе ўрнини босувчилар	0901	20
16	Гўшт, балиқ ёки қисқибакасимонлар, моллюскалар ёки бошқа сувда кўпайдиган умуртқасизлардан тайёрланган тайёр маҳсулотлар	1601 00, 1602 (1602 10 001 0 дан ташқари), 1604, 1605	30
	Осётр увилириғи, увилириқ ўрнини босувчилар	1604 30	50
17	Қаттиқ ҳолатдаги шакарқамиш ёки қанд лавлагидан тайёрланган шакар ва кимёвий тоза сахароза	1701 91 000, 1701 99	10
	Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан оқ шоколад)	1704 (1704 10 дан ташқари)	30
	Шакар қопланган ёки қопланмаган резинка сақич	1704 10	70
18	Таркибида какао бўлган шоколад ва бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1806 20 - 1806 90	30

*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

Товар гурухининг раками	Товарларнинг номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товарнинг бозсона кимматидан фоизларда ёки ўлчов бирлиги учун АҚШ долларида
19	Бошоқли ўсимликлар донлари, ун, крахмал ёки сутдан тайёрланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари; хамирли қандолат маҳсулотлари, қуидагилардан ташқари:	1901 - 1905 (1901 10 000 0, 1901 90 990 0* дан ташқари)	20
	Қотирилган нон (қоқ нон)	1905 40 100 0	40
	Экструдаланган хамирли маҳсулотлар (чиපслар)	1905 90 550 0	30
20	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимлик қисмларининг қайта ишланган маҳсулотлари	2001 (2001 90 910 0 дан ташқари), 2002, 2004, 2005 (2005 10 001 0 дан ташқари), 2006 00 (2006 00 350 0, 2006 00 910 0 дан ташқари), 2007 (2007 10 101 0, 2007 10 911 0, 2007 10 991 0, 2007 99 930 0 дан ташқари)	30
	Мева ва сабзавот шарбатлари (ананас ва цитрус мевалар шарбатидан ташқари)	2009 (2009 11 - 2009 49, 2009 90 410, 2009 90 490, 2009 90 710 0, 2009 90 730 0, 2009 90 790 0 дан ташқари)	70%, бироқ бир литр учун 1,0 АҚШ долларидан кам эмас
21	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари, қуидагилардан ташқари:	2101, 2103, 2104 (2104 20 001 0 дан ташқари), 2106 (2106 90 980 1 дан ташқари)	20
	Хамиртуруш; ...; нон пишириш учун тайёр кукунлар	2102	50
	Музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқат музи турлари	2105 00	200
	Шакар қўшилмаган резинка сақич	2106 90 980 1	70
22	Сув, шу жумладан табиий ёки сунъий маъданли, газланган, қўшимча қўшилган ёки шакар ёки бошқа ширин қилувчи ёхуд хушбўй ҳид ва татъ берадиган моддалар қўшилмаган сувлар; муз ва қор ҳамда бошқа алкогиз ичимликлар, 2009-товар позициясидаги мева ёки сабзавот шарбатларидан ташқари	2201, 2202	100%, бироқ бир литр учун 1,0 АҚШ долларидан кам эмас
	Солод (ширинмия) пивоси	2203 00	70%, бироқ бир литр учун 1,0 АҚШ долларидан кам эмас
	Вино	2204 10, 2204 21, 2204 29, 2205	бир литр учун 6,0 АҚШ долл.
	Ачитқи билан тайёрланадиган бошқа ичимликлар; ачитқи билан тайёрланадиган ҳамда алкогиз ичимликлар аралашмалари; спирт концентрацияси 80% ҳажмдан кам бўлган денатурланмаган этил спирти; ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, қуидагилардан ташқари:	2206 00, 2208, 2208 60, 2208 90	бир литр учун 7,0 АҚШ долл.
	Этил спирти (ставка фақат транзит пайтида гаров тўловларини ҳисоблаш учун қўлланилади)	2207	65
	Конъяк	2208 20 120 0, 2208 20 620 0	бир литр учун 14,5 АҚШ долл.
	Мушуклар ва итлар учун озиқ, чакана сотиш учун қадоқланган; ҳайвонларни боқишида ишлатиладиган бошқа маҳсулотлар	2309 10, 2309 90	70
24	Сигаралар, кесма учли сигаралар, таркибида тамаки бўлган сигариллалар	2402 10 000 0	1 дона учун 0,3 АҚШ долл.
	Тамаки ёки унинг ўрнини босувчилардан тайёрланган сигареталар	2402 20, 2402 90 000 0	1 000 дона учун 10 АҚШ долл.
25	Блокларга бошқа усул билан арраланган ва бўлинган ишлов берилмаган мармар, травертин ёки тўғри бурчак шаклии плиталар (квадратлиги ҳам киради)	2515 11 000 0, 2515 12	20
	Гипс; ангидрит; курилиш учун ва бошқа сувоқлар	2520	30
27	Битуминоз жинслардан олинган нефть ва нефть маҳсулотлари, қуидагилардан ташқари:	2710	20
	енгил дистиллятлар	2710 11	30
	ўртача ва оғир дистиллятлар	2710 19	30
28	Динатрий карбонати	2836 20 000 0	30
30	Момиқ пахта, дока, бинг ва шу каби маҳсулотлар...	3005 90	30
32	Дисперсияланган ёки сувли ва сувсиз муҳитда эриган синтетик полимерлар ёки кимёвий бириккан табиий полимерлар асосидаги бўёқлар ва лаклар (эмал, политуралар ва елим бўёқлари билан бирга)...; терига ишлов беришда ишлатиладиган тайёр сув пигментлари	3208, 3209, 3210 00	30
	Ойнага ва боғларда ишлатиладиган замазкалар, қатронли цементлар, зичлашда фойдаланиладиган таркиблар ва бошқа мастикалар, бўёқчиликда ишлатиладиган шпатлёвкалар	3214	30

<i>Товар группининг раками</i>	<i>Товарларнинг номи</i>	<i>ТИФ ТН бўйича товар коди</i>	<i>Товарниг бозхона қийматидан фоизларда ёки ўлчов бирлиги учун АҚШ долларида</i>
33	Парфюмерия, косметика ёки пардоз воситалари	3303 00, 3304 3305-3307 (3306 10 000 0 дан ташқари)	50 15
34	Совунлар (кумок-кумок совундан ташқари); юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик воситалар, кир ювиш воситалари, сунъий ва тайёр мумлар, тозалаш ва жилолаш учун таркиблар, шам ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, ёпишириш учун пасталар, пластилин, «тиш шифокори қўллайдиган мум» ва гипс асосидаги тишни даволаш воситалари	3401 (3401 20 100 0 дан ташқари), 3402 (3402 11 900 0, 3402 12000 0, 3402 13000 0, 3402 19000 0 дан ташқари), 3404 - 3407 00 000 0	20
35	Мойлаш материаллари	3403 (3403 91 000 0 дан ташқари)	30
36	Фейерверклар, сигнал ракеталари, ёмғир ёғдирув ракеталари, туманга қарши сигналлар ва бошқа пиротехник буюмлар	3604	20
	Гутурт	3605 00 000 0	30
38	Гидравлик тормоз суюқликлари, антифризлар ва музлашга қарши тайёр суюқликлар	3819 00 000 0 - 3820 00 000 0	10
	Поливинилхлориддан тайёрланган чибиқлар, стерженлар ва профиллар	3916 20 100 0	30
	Бошқа трубалар, этилен полимеридан тайёрланган қаттиқ трубка ва шланглар	3917 21900 0	10
	Бошқа трубалар, пропилен полимеридан тайёрланган қаттиқ трубка ва шланглар	3917 22900 0	10
	Бошқа трубалар, винилхлорид полимеридан тайёрланган қаттиқ трубка ва шланглар	3917 23900 0	10
	Бошқа, армировка қилинмаган ёки бошқа материаллар билан аралашмаган, винилхлорид полимеридан тайёрланган фитингларсиз	3917 32350 0	10
	Фитинглар	3917 40 000 0	10
39	Пластмассадан тайёрланган пол қопламалари, шунингдек ташиш ва қадоқлаш учун жиҳозлар	3918, 3923	10
	Плиталар, листлар, плёнка ва полосалар ёки пластмассадан тайёрланган ленталар, бошқалар	3921	20
	Ванналар, душлар, чиганоқлар ва худди шундай санитария-техник жиҳозлар, пластмассадан тайёрланган	3922	30
	Этилен полимерларидан тайёрланган қоплар ва сумкалар	3923 21000 0	30
	Бошқа пластмассалардан тайёрланган қоплар ва сумкалар	3923 29**	20
	Ошхона идишлари ва пластмассадан тайёрланган уй-жиҳоз буюмлари, қуидагилардан ташқари:	3924	20
	ошхона ва тамаддихона идишлари	3924 10000 0, 3924 90900 0	50
